

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг, очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси З.Хазраткуловнинг котиблигида, давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи И.Тошпўлатов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Qomus” адвокатлар ҳайъати адвокати Т.Болтаев ҳамда жабрланувчи Ш.Солиевларнинг иштирокида, Тошпўлатов Ислом Илхом ўғлига нисбатан бўлган 1-1401-2403/735-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш хужжатларига кўра:

**Тошпўлатов Ислом Илхом ўғли (Toshpo‘latov Islom Ixom o‘g‘li)** 1995 йил 22 ноябрь куни Жиззах вилояти, Жиззах шаҳарда туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини мукаммал билади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам 2015 йил 4 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан ҳар ойда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган; 2016 йил 05 мартдаги жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 03 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган, вақтинча ишсиз, Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “А.Навоий” маҳалласи 10-уй яшаган, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 06 май кунидан ҳибсда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 08 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Тошпўлатов Ислом Илхом ўғли, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, қисми ажратилган бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, 2022 йил октябрь ойида ўзлари Америка Қўшма Штатларида бўла туриб, фуқаро Солиев Шерали Кубаевич ва унинг ўғли Кубаев Нурали Шерали ўғли



билан телефон орқали боғланиб, Н.Кубаевни АҚШга Европа давлатлари орқали меҳнат муҳожирлиги сифатида қонуний йўллар билан юборишларини ваъда бериб, унинг ишончига киришиб, Ш.Солиевдан 20.000 АҚШ долларини талаб қилиб, 2022 йил октябрь ойининг охирида Самарқанд шаҳрининг турли ҳудудида жабрланувчи Ш.Солиевдан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 88.903.760 сўмга тенг бўлган жами 8.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жабрланувчининг жуда кўп миқдордаги мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган.

Судланувчи Тошпўлатов Ислон Илхом ўғлининг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига қисман иқдор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у 2019 йилда турмуш ўртоғи Тошпулатова Севинч билан биргаликда АҚШ давлатига “виза” расмийлаштирган ҳолда қонуний йўллар билан ишлаш учун кетганликларини, АҚШ давлатида такси фаолияти билан шуғулланган вақтида Самарқанд вилоятидан ишлаш учун АҚШ давлатига борган Нарзиллаев Файзилла билан танишиб қолганлигини, Ф.Нарзиллаевнинг ўзи АҚШ давлатига айланма йўллар орқали бориб, ишлаб келаётганлигини, тахминан 2022 йилнинг охирида Ф.Нарзиллаев унга Самарқанд вилоятида бир таниши ҳам АҚШ давлатига ишлаш учун келиш ҳаракатида юрганлигини, уни ҳам АҚШ давлатига олиб келиш бўйича шуғулланадиган танишлари бор ёки йўқлиги тўғрисида сўраганлигини, у дастлаб АҚШ давлатида бўлган одамларни у ерга айланма йўллар билан олиб келиш билан шуғулланувчи бир-икки нафар таниган одамлардан сўраб суриштириб кўришларини айтганлигини, бироқ бу ҳақида бирон кимдан сўрамаганлигини, ўзига пул керак бўлганлиги сабабли Ф.Нарзиллаевга Самарқанддан бу ерга келишни хоҳлаётган танишини АҚШга олиб келиш бўйича танишлари борлигини, улар харажатларини берган тақдирда уларни АҚШ давлати ҳудудига киришига ёрдам қилишларини билдирганлигини, сўнг Ф.Нарзиллаев унга танишининг исм-шарифи Кубаев Нурали эканлигини билдириб, унинг телефон рақамини берганлигини, у Ф.Нарзиллаев берган рақамга телефони орқали АҚШда турган ҳолда қўнғироқ қилиб, рақамини Ф.Нарзиллаевдан олганлигини уни АҚШ давлатига олиб келиш бўйича ўзи ёрдам қилишларини билдирганлигини, шу вақтда ўзига пул керак бўлганлигидан унга АҚШга боришлик учун унга тахминан 10.000-12.000 АҚШ долларига тенг бўлган пулларни беришлиги тўғрисида айтиб ўтганлигини, Н.Кубаев унга ишонган ҳолда пул беришга рози бўлиб, фақатгина бунча миқдордаги пуллари йўқлиги, ўзида камроқ жамғариб қўйган пулларни борлиги тўғрисида айтганлигини, у унга ўзида бор бўлган пулларни ҳозирда бериб туришларини қолган пулларни эса топганидан сўнг бераверишларини айтганлигини, орадан бир неча кун вақт ўтиб, Н.Кубаев у сўраган пуллардан 6.000 АҚШ доллари топганлигини айтганлигини, у унга пулни олишлик учун, ёнига Самарқандга одам юборишларини, пулларни у юборган одамга бериб қўйишини айтганлигини, сўнг Жиззах вилоятида яшовчи турмуш ўртоғининг акаси Хақимов Достонга қўнғироқ қилиб Самарқанд вилоятига боришларини, у ердан бир таниши пул бериб қўйишини,

Ҳужжат имзолаган: Раупов Жонибек Муродқулович, 20.08.2024



ушбу пулларни олган ҳолда у айтган одамга олиб бориб беришлигини айтганлигини, Д.Хакимов рози бўлганидан сўнг, унга Н.Кубаевни телефон рақамларини берганлигини, унинг кўрсатмасига асосан қайнакаси Д.Хакимов Самарқанга борган ҳолда Н.Кубаев билан учрашиб, ундан 6.000 АҚШ доллари пулларни олганлигини, пулларни олганидан сўнг пулларнинг орасидан 5.700 АҚШ доллари қисмини, унинг АҚШ давлатида бўлган “Давлат” исмли танишининг яшаш уйига олиб бориб беришлигини, қолган 200 АҚШ долларини эса Жиззах вилоятида яшовчи танишига беришлигини, қолган 100 АҚШ долларини эса ўзининг Самарқандга келиб кетиш харажатларига сарфлашлигини айтганлигини, унинг гапларига кўра Д.Хакимов 5.700 АҚШ доллари пулларни Самарқанд шаҳридаги таниши “Давлат”нинг уйига, 200 АҚШ доллари қисмини эса Жиззах вилоятида яшовчи таниши “Хаёт” исмли одамга олиб бориб берганлигини, таниши “Давлат”нинг уйига олиб бориб берилган 5.700 АҚШ долларини эса унинг ўзи АҚШ давлатида “Давлат”дан нақд кўринишда олганлигини, 200 АҚШ доллари пулларни эса Жиззах шаҳрида яшовчи “Хаёт” исмли таниши ундан қарзга пул сўраганлиги сабабли берганлигини, Н.Кубаевдан пулларни олишлик учун ўзи телефон орқали танишларидан Тошкент шаҳрида одамларга Европа мамлакатларига расмийлаштириладиган ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам қиладиган одамлар тўғрисида маълумот олиб, Н.Кубаевга Тошкентга боришлигини айтганлигини, бироқ Тошкент шаҳрида айнан қандай тартибда виза олишлиги тўғрисида айтиб ўтмаганлигини, Н.Кубаевнинг ўзи Тошкент шаҳрига унинг гапларига кўра бориб виза бўйича ҳужжатларини ўзи топшириб расмийлаштирганлигини, у эса фақатгина ундан пулларни олишлик учунгина Тошкент шаҳрига боришни айтганлигини, шу тариқа Н.Кубаевдан унинг ўзи жами бўлиб 6.000 АҚШ доллари пулларни олганлигини, бироқ унинг АҚШга келиши бўйича бирон бир ҳужжат ҳам тайёрлаб бермасдан, бирон бир ишларни ҳам амалга оширмаганлигини, олинган пулларни эса ўзига пул керак бўлганлиги сабабли ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини, у Н.Кубаевга турли баҳоналарни айтган ҳолда уни АҚШга ишга юборишни ваъда қилганлигини, пул бўйича ҳам тахминан 10.000-12.000 АҚШ доллари пулларни беришлигини айтганлигини, уни фуқароларни АҚШ давлатига юборишга бирон бир ваколати йўқлигини, у Н.Кубаевдан фақатгина ўзига пул керак бўлганлиги сабабли шу тариқа пулларни олиб, кейинчалик қайтариб беришни мақсад қилганлигини, Ф.Нарзиллаевнинг ундан олдин Н.Кубаевни АҚШ давлатига юбориш бўйича айнан нима деган ҳолда, қанча миқдордаги пулларни олганлигидан хабари йўқлигини, кейинчалик тергов давомида Ф.Нарзиллаевнинг Н.Кубаевни АҚШга юборишни ваъда қилиб, у билан таништириб қўйгани эвазига Н.Кубаевдан 2.000 АҚШ долларини олганлигини билганлигини, у Н.Кубаевдан пулни олишлик учун ҳақиқий исмини айтмасдан унга ўзини “Сардор” деб айтиб ўтиб кетган бўлиши мумкинлигини, лекин ҳозирда эслай олмаслигини, 5.700 АҚШ доллари пулларни Д.Хакимов ҳозирда АҚШ давлатида бўлган ўзи билан бирга ишловчи “Давлат” исмли танишининг уйига олиб бориб берганлигини, унинг ўзи эса “Давлат”нинг ўзидан пулларни нақд кўринишда



олганлигини, Жиззах вилоятида яшовчи “Хаёт” исмли таниши эса ундан адашмаса ўша вақтда молиявий қийналиб қолганлиги сабабли қарз сўраганлиги сабабли 200 АҚШ доллари пулларни унга қарз сифатида бериб, Д.Хакимовга олиб бориб беришлигини тайинлаганлигини, таниши “Давлат”нинг ва “Хаёт” исмли одамнинг унинг пулларни Н.Кубаевдан АҚШга юборишни ваъда қилиб олганлиги бўйича хабари бўлмаганлигини, у фақатгина Н.Кубаевдан жами 6.000 АҚШ доллари пулларни олиб, уни АҚШ давлатига юборишни ваъда қилганлигини, унда фуқароларга виза олиб беришга кўмаклашиш ваколоти йўқлигини, ҳозирги кунда содир қилган қилмишидан пушаймондалигини, Ш.Солиевга етказилган 8.000 АҚШ долларини тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганлиги, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи Солиев Шерали Кубаевичнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил октябрь ойи бошларида ўғли Кубаев Нурали Шерали ўғли ва унинг таниши Давуров Жавлонлар Латвия давлатига қилиш учун таниши бўлган, ҳозирги кунда АҚШ давлатида ишлаб келаётган Нарзиллаев Файзилла исмли шахс билан телефон орқали суҳбатлашганда, Файзилла ўғли Н.Кубаев ва таниши Ж.Давуровларга АҚШга Европа орқали келиш имкониятлари борлигини айтиб, виза олиш масалаларида танишлари борлигини айтиб, агарда хоҳласа бунга ёрдам беришлигини айтганлигини, ўғлим бу ҳақида унга айтганда, у агарда қонуний бўладиган ва ишончли бўлса рози эканини айтганлигини, Файзилла “Сардор” исмли таниши борлигини, шу “Сардор” АҚШда яшашлигини, бироқ унинг танишлари Ўзбекистонда бўлиб улар ўғлига АҚШга Европа орқали боришга ёрдам беришлигини айтганлигини, Файзилла уларни виза ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун “Сардор” исмли шахс билан таништириб қўйганлиги эвазига 2.000 АҚШ долларини берганлигини, сўнг “Сардор”, яъни И.Тошпўлатов билан у гаплашганида, И.Тошпўлатов унга бунинг ҳаражатлари борлигини ва ушбу пуллар берилганидан сўнг ишларни бошлашлигини, бунинг учун дастлаб 10.000 АҚШ доллари кераклигини, виза чиқиб АҚШга борганидан сўнг яна 10.000 АҚШ доллари беришлигини айтганлигини, у сабабини сўраган вақтида, улар ушбу ишлар учун ҳаражатлари борлигини айтишганликларини, сўнг ўғли Тошкент шаҳрида виза ишлари билан шуғулланувчи Юсупов Абдуқодир исм-шарифли шахсга хорижга чиқиш паспорти, фуқаролик паспорти ва таниши Ж.Давуровнинг паспортларини 2022 йил 18 октябрь куни Тошкент шаҳрига йўловчи ҳайдовчи билан жўнатиб юборганлигини, шундан сўнг уларга озроқ кутиб туришларини, виза яқин кунларда чиқишлигини айтганлигини, 2022 йилнинг 27 октябрь куни ўғли Н.Кубаев ва унинг таниши Ж.Давуров иккаласи Латвия элчихонасига суҳбатга кириб чиққанлигини, 2022 йил 31 октябрь куни Сардор ўғлига телефон қилиб, виза масалалари ҳал бўлганлигини Самарқанд шаҳри Регистон майдони олдида “Достон” исмли шахс кутиб турганлигини, унга 6.000 АҚШ доллари беришлари кераклигини айтганлигини, ўғли Латвия элчихонасига суҳбатга кириб чиққанлиги сабабли И.Тошпўлатов ўғлини ишини ҳал қилганлигига ишониб,



2022 йил 31 октябрь куни Регистон майдони ёнида автотураргоҳда “Достон” исмли шахс билан танишиб у билан учрашганлигини, учрашган вақтида ёнида ўғли Н.Кубаев бўлганлигини, шунда у Регистон майдони ёнида “Достон”га 6.000 АҚШ долларини шахсан санаб берганлигини ва ушбу пулни бериш жараёнини видеотасвирга олишганликларини, орадан озроқ вақт ўтиб ўғли Н.Кубаев И.Тошпўлатов билан телефон орқали гаплашганда, И.Тошпўлатов ҳақиқатдан ҳам пулларни олганлигини айтганлигини ва бироз кутишларини, виза тайёр бўлишини айтганлигини, сўнг улар кутиб юрганликларини, 2022 йил 1 ноябрь куни Абдуқодир ўғлига телефон қилиб, виза ҳужжатлари тайёр бўлганлигини ва паспортларини элчихонадан олиш учун унинг номига ишончнома бериш кераклигини айтганлигини, сўнг ўғли ва таниши Ж.Давуров иккаласи нотариал тасдиқланган ишончнома расмийлаштиришиб Тошкент шахрига Абдуқодирга жўнатиб юборишганликларини, орадан бир неча кун ўтгач И.Тошпўлатов телефон қилиб қолган 12.000 АҚШ доллари беришни, олдига синлисини жўнатаётганлигини айтганлигини, кейин бир нотаниш аёл Окдарё тумани маркази Лойиш шаҳарчаси А.Темур кўчасига келиб, И.Тошпўлатов юборганлигини, улар 12.000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганлигини, бироқ уларда бунча пул бўлмаганлиги сабабли унга пул бермасдан, у аёлни Жиззах шахридан келганлиги сабабли қайтариб юборганликларини, 2022 йил 3 ноябрь куни Абдуқодир ўғлимга кўнғироқ қилиб, у ва Ж.Давуров Европа давлатларига кириш ҳуқуқини берувчи виза тайёр бўлганлигини айтиб, паспортларини расмларини жўнатганлигини ва хизмат ҳаққи сифатида пул беришларини айтганлигини, у Абдуқодирга қанақа пул беришлари кераклигини сўраганида, виза масаласида ҳужжатларни тайёрлаб берганлиги учун пул беришлари кераклигини айтганлигини, бироқ улар Абдуқодирга виза расмийлаштириб беришни у билан эмас, балки И.Тошпўлатов билан ўзаро келишганликларини айтганликларини, кейин улар И.Тошпўлатовга кўнғироқ қилганларида, унинг телефони ишламаганлигини, сўнг И.Тошпўлатов ўзининг шериклари билан уларни алдаб пулларини ўзлаштириб кетганлигини билганликларини, ҳозирги вақтда судланувчи И.Тошпўлатов унга нисбатан етказилган 8.000 АҚШ долларини тўлиқ қошлаб берганлиги, шу сабабли И.Тошпўлатовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраши ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Ҳақимов Достон Муроджон ўғлининг суддаги, ҳақиқатдан ҳам Тошпўлатов Ислом уни куёви ҳисобланишини, 2016 йилда синглиси Тошпўлатова Севинч билан турмуш қурганлигини, И.Тошпўлатов синглиси С.Тошпўлатова билан тахминан 2017-2018 йилда ишлаш мақсадида АҚШ давлатига кетишганликларини, 2022 йил октябрь ойида И.Тошпўлатов у билан телефонда кўнғироқлашган вақтида, бир абонент рақамини бериб, рақам Самарқанд вилоятида яшовчи “Нурали” исмли йигитники эканлигини, Самарқандга бориб, у билан кўнғироқлашган ҳолда учрашишлигини, “Нурали” унга 6.000 АҚШ доллари пулларни беришлигини, ушбу пулларни олиб, Самарқанд шахрида яшовчи бир “Гулхаё ёки Гулбахор” исмли аёл кишига олинган пуллардан 5.700 АҚШ долларини олиб бориб беришлигини, пуллардан



қолган қисмидан 200 АҚШ долларини Жиззахга қайтган ҳолда Жиззах шаҳардаги “Хаёт” исмли йигитга беришлигини, қолган 100 АҚШ долларини эса Самарқандга бориб келиш ҳаражатларига сарфлашлигини айтиб, Самарқандга бориб келишни илтимос қилганлигини, у рози бўлиб, И.Тошпўлатов рақамини берган “Нурали” исмли йигит билан телефонда гаплашиб, Самарқанд шаҳар “Регистон” майдонида кўришишга келишганликларини, эртаси куни Самарқанд шаҳрига йўловчи такси автомашинасида келиб “Регистон” майдонида “Нурали” исмли йигит ва у билан бирга келган отаси билан кўришганлигини, у билан кўришганидан сўнг “Нурали” унга 6.000 АҚШ доллари пулларни берганлигини, шу вақтда у телефони ёрдамида пулларни олиш жараёнини видеотасвирга олганлигини, пулларни бераётган вақтида “Нурали” унга “Файзилло” исмли қўшниси АҚШ давлатида ишлаб келаётганлиги, ўзи ҳам АҚШга кетиш учун Файзилло ҳамда унинг “Сардор” исмли танишига ишонган ҳолда пул бераётганлигини, билдирганлигини, у “Сардор” ва “Файзилло” исмли одамларнинг ким эканлигидан хабари бўлмаганлигини, унга фақатгина И.Тошпўлатов пулларни олган ҳолда айтган одамига олиб бориб беришни айтгани учун ҳеч нарса демасдан пулларни олиб кетганлигини, кетишидан олдин Нурали ака телефони орқали “Сардор пулларни бериб юбордим” деб у пулларни олаётган видеотасвирни ёки аудиоёзув юборганлигини, у пулларни Нурали акадан олганидан сўнг И.Тошпўлатов билан телефонда хабарлашиб, пулларни олганлигини билдирган вақтида, у Самарқанд шаҳар Саттепо массивига олиб бориб, у ердаги “Гулхаё ёки Гулбахор” исмли аёлга 5.700 АҚШ доллари қисмини бериб келишлигини тайинлаганлигини, у такси орқали Саттепо массивига бориб у ердаги “Севинч” ресторанинг ёнида И.Тошпўлатов берган абонент рақамига қўнғироқ қилиб, уни И.Тошпўлатов юборганлигини, унга пул бериб қўйиши керак эканлигини билдирганлигини, бироздан сўнг “Кобальт” русумли автомашинада тахминан 40-45 ёшлардаги аёл келиб, ундан 5.700 АҚШ долларини олиб кетганлигини, шундан сўнг Жиззах шаҳрига қайтганлигини, Жиззах шаҳрига тунда етиб боргани сабабли, И.Тошпўлатов айтган “Хаёт” исмли одамга пулларнинг қолган қисмини бера олмаганлигини, уйга келганидан сўнг Нурали ака унга пулларни бераётган вақтида уни видеотасвирга олганидан қўнғили хавотирга тушиб, Нурали аканинг телефонида қўнғироқ қилиб, таниши пулларни олган ёки олмаганлиги тўғрисида сўраганлигини, Нурали ака пулларни таниши олганлигини билдириб, унга раҳмат айтганлигини, эртаси куни ёки бир неча кун ўтиб И.Тошпўлатов айтгани сабабли, Жиззах шаҳридаги “Город” деган жойга бориб “Хаёт” исмли одамнинг уйига борганлигини, бироқ “Хаёт” исмли одам уйда бўлмаганлиги сабабли, унинг уйда бўлган онасига И.Тошпўлатов айтгани сабабли 200 АҚШ доллари пулларни бериб келганлигини, олинган 6.000 АҚШ долларидан қолган 100 АҚШ доллари пулларни эса ўзи Самарқандга бориб келиш ҳаражатлари учун ишлатишни И.Тошпўлатовнинг ўзи айтгани сабабли ўзида қолдирганлигини, орадан 1-2 ҳафта вақт ўтиб, Нурали ака унга қўнғироқ қилиб, уни АҚШга олиб кетишни ваъда қилган “Файзилло”, “Сардор” исмли танишлари уни алдаганлигини, у олган 6.000 АҚШ доллари пулларни қайтариб



беришлигини, пулларни у олганлигини айтганлигини, у уларга фақатгина куёви И.Тошпўлатовнинг айтгани сабабли пулларни олганлигини, уларнинг АҚШга кетиш бўйича масалаларидан хабари йўқлигини, уларга ёрдам кўрсатиш учун суриштириб бериши мумкинлигини айтганлигини, сўнг И.Тошпўлатовга кўнғироқ қилганида, И.Тошпўлатов унга АҚШга одамларни олиб кетиш бўйича анча пулга тушганлигини, ўзи ҳам оғир аҳволга тушганлигини, Нурали ака берган 6.000 АҚШ доллари пулларни АҚШнинг ўзида Файзилло исмли йигит олиб кетганлигини, бу ишларга аралашмаслигини айтганлигини, И.Тошпўлатов унга Самарқандга бориб Нурали ака билан учрашиб ундан фақатгина 6.000 АҚШ доллари пулларни олиб, у айтган одамларга олиб бориб беришлигини илтимос қилганлигини, бироқ унга пулларни айнан нима сабабдан олаётганлиги ва бошқа одамларга нима сабабдан олиб бориб бериши лозимлиги ҳақида айтмаганлигини, у ҳам И.Тошпўлатов куёви бўлгани сабабидан уни илтимосига рози бўлиб, бўш вақти бўлганидан Самарқандга келганлигини, у И.Тошпўлатовнинг кўрсатмасига асосан Самарқанд шаҳрига келиб, Нурали ака билан учрашиб ундан И.Тошпўлатов айтгани сабабли 6.000 АҚШ доллари пулларни олганлигини, у И.Тошпўлатовнинг кўрсатмаларига асосан пулларни Нурали акадан олиб Самарқанд шаҳрининг Саттепо массивига бориб у ерда бир ўзини адашмаса “Гулхаё ёки Гулбахор” деб таништирган аёл билан учрашиб унга 5.700 АҚШ доллари пулларни берганлигини, бироқ унинг тўлиқ исм-шарифи, яшаш манзили ва телефон рақамлари тўғрисида маълумот йўқлигини, у аёл билан фақатгина И.Тошпўлатов айтгани сабабли учрашиб, унга пулларни берганлигини, бошқа ушбу аёл билан телефонда ҳам, учрашиб ҳам гаплашмаганлигини, И.Тошпўлатовнинг ўзи ҳам айнан нима сабабдан ушбу аёлга пулларни олиб бориб беришини айтмаганлигини, у И.Тошпўлатовнинг кўрсатмаларига асосан пулларни Нурали акадан олиб, 200 АҚШ долларини Жиззах шаҳари “Город” деб номланадиган жойига бориб, “Хаёт” исмли одамнинг уйига олиб бориб берганлигини, бироқ уйда “Хаёт” исмли одам бўлмагани сабабли, пулларни унинг уйда бўлган онасига бериб қайтганлигини, И.Тошпўлатовнинг айтишига кўра “Хаёт” исмли одамнинг яқин қариндоши бетоб бўлиб қолганлиги, шу сабабли унга ёрдам қилиш учун 200 АҚШ долларини бераётгани ҳақида айтиб ўтганлигини ҳақидаги кўрсатуви;

-шунингдек, судланувчи И.Тошпўлатовнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, жабрланувчи Ш.Солиев, тушунтириш хатлари; нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар; жабрланувчи Ш.Солиевнинг етказилган зарар қопланганлиги ҳақидаги тилхати; сўроқ баённомалари; юзлаштириш баённомаси; ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи И.Тошпўлатовнинг фирибгарлик, яъни жуда кўп миқдорда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш суиқасд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Тошпўлатов Ислон Илхом ўғлининг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ушбу жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Тошпўлатовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, уни айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиш билан биргаликда, содир этган жиноятларининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 май кундаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги № 4-сонли Қарорининг 9-бандидаги “Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади” деган раҳбарий тушунтиришларига;

-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 15-бандидаги “Судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилсин” деб қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига;

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган қонун талабига;

-2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътироф-ли кўрсатмаларга риоя қилиб, судланувчи И.Тошпўлатовнинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, ёшини,



шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя қилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини татбиқ қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир куни базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб, жарима жазосидан чегиришни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабидан келиб чиқиб, жарима жазосини судланувчи И.Тошпўлатов томонидан жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан яъни 300.000 сўмдан ҳисоблашликни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

## Ҳ У К М

Судланувчи **Тошпўлатов Ислом Илхом ўғли (Toshpo‘latov Islom O‘g‘li)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тошпўлатов Ислом Илхом ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 (бир юз эллик) баравари, яъни 45.000.000 (қирқ беш миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Тошпўлатов Ислом Илхом ўғли томонидан 2024 йил 06 май кунидан 2024 йил 20 август кунига қадар 106 кун кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир куни базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб, жарима жазосининг 15.900.000 (ўн беш миллион тўққиз юз минг) сўми тўланган деб ҳисоблансин ва 29.100.000 (йигирма тўққиз миллион юз минг) сўм жарима жазоси қолдирилсин ҳамда давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Тошпўлатов Ислом Илхом ўғлига нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан



бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ж.Раупов**

Ҳужжат имзоланган: Раупов Жонибек Муродкулович, 20.08.2024

